

## 1. Россияга кириш

Россияга кириш учун чет эллик фуқаро амалдаги чет эл паспортига эга бўлиши зарур. Евроосиё иқтисодий иттифоқи (Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси), шунингдек, Украина фуқаро-лари РФ чегарасидан ички паспорт билан ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

РФ га киришдан олдин чет эллик фуқароларга МУҲОЖИРЛИК КАРТАСИ – РФ га келиш мақсадлари ва чегарани қонуний кесиб ўтишни кўрсатувчи ҳужжат БЕПУЛ берилади. Сиз муҳожирлик картасини тўлдиришингиз ва уни чегара назорати ходимларига кўрсатишингиз зарур. Лотин ҳарфида – паспортнингизда кўрсатилган шахсий маълумотларга мувофиқ ёзишингиз мумкин.

**!** Агар Сиз Россияга ишлаш учун келган бўлсангиз, «сафардан мақсад» устунига «иш» сўзини таъкидлашингиз шарт.

## 2. Муҳожирлик қайдига қўйиш

Чет эллик фуқаро борган жойида **7 иш кунидан кечиктирмасдан муҳожирлик қайдида туриши шарт**; Евроосиё иқтисодий иттифоқи аъзо-давлатлари ( Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси) фуқаролари – **30 кундан кечиктирмасдан**, Тожикистон Республикаси фуқаролари – **15 кунда**.

**!** Муҳожирлик қайдида амалда яшаётган манзил бўйича туриш зарур.

Чет эллик фуқарони муҳожирлик қайдига қўйиш ишини Сизга турар жой берадиган **Қабул қилувчи томон амалга оширади**, У қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Санкт-Петербургда доимий қайдга олинган РФ фуқароси;
- РФ ҳудудида, Санкт-Петербургда доимий яшовчи чет эллик фуқаро;
- юридик шахс: ташкилот- иш берувчи, меҳмонхона.

**Муҳожирлик қайдига қўйиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш мумкин:**

- вРоссия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича Муҳожирлик масалаларига оид бошқармасининг ҳудудий бўлимларига;
- давлат хизматлари кўрсатувчи кўпфункционал марказ ( МФЦ -КФМ).

**Сизга қуйидаги ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари керак бўлади:**

- паспорт, паспортнинг барча варақлари нусхаси;
- муҳожирлик картаси;
- ихтиёрий тиббиёт суғуртаси полиси,
- турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (масалан, турар жой ижараси).

## Муҳожирлик қайдида туриш учун зарур:

- чет эллик фуқаронинг турар жойига етиб келганлиги ҳақидаги махсус билдирув варақасини **тўлдириш**;
- билдирув ва ҳужжатларингизни Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича Муҳожирлик масалалари бўйича бошқармасига **жўнатиш**;
- ҳужжатларни қабул қилганлик ҳақидаги белги қўйилган келишга оид билдирувнинг узиб олинган варақасини олиш ва уни ўзида сақлаш.

**!** Ишга жойлашгандан сўнг меҳнат шартномасини узайтириш муддатига ё ишлаш учун тўланган патентга қараб муҳожирлик қайдини мунтазам равишда узайтириш зарур.

## 3. РФ да ишга жойлашиш ва ишлаш учун патент олиш

Евроосиё иқтисодий иттифоқи ( Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси) аъзо-давлатлари фуқароларига қонуний тарзда ишга жойлашиш учун меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси тузиш етарлидир.

МДХ мамлакатлари (Ўзбекистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Молдова Республикаси, Озарбайжон, Украина) фуқаролари Санкт-Петербургда қонуний ишга жойлашиш учун ишлаш учун патент расмийлаштиришлари зарур.

Патентни расмийлаштириш учун ҳужжатларни **РФга келган вақтдан сўнг 30 кунгача топшириш зарур**, йўқса, 10000 дан 15000 рублгача жарима тўлашга тўғри келади.

Санкт-Петербургда иш учун патентни расмийлаштириш учун ҳужжатлар қабул қиладиган ягона ташкилот «**Паспортно-визовый сервис МВД России**» ФГУП саналади. У Красный Текстильщик кўчаси, **15-уй, лит.А да жойлашган. Тел. 8 (812) 318-01-22, 318-01-18. Иш вақти: душанба-жума 9:00 дан 18:00гача.** Ширкат хизматлари пуллик.

**Патент фақат Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича Муҳожирлик масалаларига оид бошқармаси бўлими томонидан қабул қилинади ва РФнинг фақатгина битта минтақасида амал қилади.** Санкт-Петербургда ишлаш учун патент Ленинград вилоятида амал қилмайди.

Патент учун ҳужжатлар **фақат ШАХСАН** топширилади. Патент ариза топширилгандан сўнг 10 кун давомида расмийлаштирилади.

**Патентни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:**

- патент олиш учун ариза (ариза бланкаси ва унинг намунасини Россия ИИВ ДБ-си бўлимларида ёки [www.78.mvd.rf/ms](http://www.78.mvd.rf/ms) сайтида бепул олиш мумкин);
- паспорт ва паспорт нусхаси, шунингдек, паспортнинг нотариал тасдиқланган рус тилига таржимаси;
- 3x4 рангли ялтироқ бўлмаган фото;
- муҳожирлик қайдига қўйиш билдируви ва унинг нусхаси;
- кириш ҳақидаги «иш» га келаётганлиги мақсади кўрсатилганига оид тамға қўйилган муҳожирлик картаси ва унинг нусхаси;

• ВИЧ-инфекциянинг йўқлиги борасида тиббий хулоса ва сертификат – тиббий кўриқдан ўтилгач, махсус тиббиёт муассасасида расмийлаштирилади;

• ихтиёрий тиббиёт суғуртаси (ДМС) полиси;

• рус тили, Россия тарихи ва Россия Федерацияси қонунчилиги асосларини билишини тасдиқловчи ҳужжат: СССР ҳудудида 01.09.1991-йилгача ёки Россия ҳудудида 01.09.1991-йилдан сўнг ўқув юртини битирганлик ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ёки рус тили, Россия тарихи ва Россия Федерацияси қонунчилиги асослари бўйича тестдан ўтганлигига оид сертификат.

• олдиндан солиқ тўловини тўлаганлик бўйича квитанция. Санкт-Петербургда 2019-йилда тўлов ҳажми ойига 3800 рублни ташкил этади.

**!** Фақат патентда кўрсатилган ихтисос бўйича ишлаш мумкин.

Бошқа ихтисослар бўйича ишлагани учун 4000 дан 7000 рублгача жарима олиниши мумкин.

Иш учун патентнинг тайёрлиги ва аслигини Россия Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича Муҳожирлик масалаларига оид бошқармасининг расмий сайтидан билишингиз мумкин: [www.78.mvd.rf/ms](http://www.78.mvd.rf/ms).

**Ишга патент олингандан сўнг:**

• келгуси ҳар бир ойга НДСЛ учун 3800 рубл ҳажмида тўланганда, патент тўланган муддат учун автоматик тарзда узайтирилади. Ойлар ҳисоби ҳужжатда кўрсатилган муддатдан бошланиб юритилади. Тўлов ҳар бир тўланган ой тугашига 1 кунга кечикмасдан амалга оширилади. Патент тўланганлигини тасдиқловчи чекни албатта ўзингизда сақланг!

Патентга тўловни ишлаш учун патент олинган вақтдан бошлаб 12 ой муддатгача олдиндан тўлаб қўйиш мумкин.

• патентни олганингиздан сўнг 2 ой ичида Россия ИИВ Бош бошқармаси Муҳожирлик масалаларига оид бошқармасига иш берувчи – юридик шахс ёки хусусий тадбиркор билан меҳнат шартномангиз нусхасини юборишингиз зарур.

**!** Ишлаш учун патент асоси ва тўлов муддатида муҳожирлик қайдини узайтиришни унутманг!

Сиз шунингдек РФ дан чиқмасдан туриб келгуси йил учун патентни қайта расмийлаштиришингиз мумкин. Бунинг учун «Паспортно-визовый сервис МВД России» ФГУПига патент муддати тугашига 10 кундан кечикмасдан мурожаат қилишингиз зарур (Красный Текстильщик кўчаси, 15-уй лит.А) ва бунда ўзингизда қуйидагилар бўлиши зарур: камида 1 йил амал қилиши зарур бўлган чет эл паспорти, амалдаги патент, 12 ой учун патентни тўлаганлик ҳақидаги квитанция, муҳожирлик картаси, меҳнат шартномаси ва иш берувчидан сўров. Ишлаш учун патентни фақат бир марта ва 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун расмийлаштириш мумкин.

#### 4. Муҳоҷирлик қонунчилигини бузганлиги учун масъулият

Сиз Санкт-Петербург ҳудудида турганингизда:

- муҳоҷирлик қайдида туриш учун билдирувни расмийлаш-тирмасангиз ёки узайтирмасангиз;
- ушлаганда зарур ҳужжатларингиз бўлмаганда;
- муҳоҷирлик картасида келишдан мақсадингиз ҳақида ёлгон маълумот берганингизда;
- зарур ҳужжатларсиз ишлаганингизда ёки патентда кўрсатилган ихтисос бўйича ишлаганингизда;
- муҳоҷирлик қайдига қўйишда ёлгон маълумотлар берганингизда,

Сизни кейинги гал РФ дан чиқариб юбориш билан 5000-7000 рублгача жаримага тортишади (РФ КоАП нинг 18.8 моддаси 3-қисми, 18.10 м, ч. 2-қ, 19.27 м, 3-қисмига мувофиқ).

**Воситачиларга мурожаат қилманг – улар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар қалбаки бўлиши мумкин! Қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш ва тайёрлаш жиноий жавобгарликка эга.**

#### Фойдали мулоқотлар

##### Умумроссия ахборот хизматлари:

**гум.мвд.рф** – РФ ИИВ ББ Муҳоҷирлик масалаларига оид бошқармасининг расмий сайти.

**trudvsem.ru** – Россияда ишлаш: Меҳнат ва бандлик бўйича федерал хизматнинг умумроссия бўш иш жойлари базаси.

**онлайнинспекция.рф** – Меҳнат ва бандлик бўйича федерал хизматнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича электрон мурожаатларни қабул қилиш портали.

**migrussia.ru** – «Муҳоҷирлик ва муҳоҷирлар: ахборот портали» (Санкт-Петербург ва Россиянинг бошқа минтақаларида мослашиш ва ҳуқуқий қўллов бўйича маслаҳатлар).

##### Санкт-Петербургдаги ахборот хизматлари:

**migrantinfo.kmormp.gov.spb.ru** – Санкт-Петербургга хуш келиб-сиз!»: Санкт-Петербург Хукуматининг муҳоҷирлар учун интернет-ресурси.

**migrantinfo.kmormp.gov.spb.ru/ugolki-migranta/** - Санкт-Петербургдаги «Муҳоҷир бурчаги» ахборот нуқтаси мавжуд кутубхоналар рўйхати

##### Санкт-Петербургдаги давлат ҳокимияти ижроия мақомотлари:

Санкт-Петербургда миллатлараро муносабатлар ва муҳоҷирлик хизматини амалга ошириш бўйича қўмита

Манзил: Санкт-Петербург, Москва пр., 10-12

Почта манзили: 191060, Смольный

info@kmormp.gov.spb.ru. Телефон: 8 (812) 576-28-08.

Вконтакте даги группа: vk.com/kmormp

Россия ИИВ ББнинг Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича Муҳоҷирлик масалаларига оид бошқармаси

Сайт: 78.mvd.ru/ms

191028, Санкт-Петербург ш. Кирочная к, 4-уй литер А.

Тел. 8 (812) 573-37-22, 8 (812) 573-30-02

Меҳнат муҳоҷирлиги масалалари бўйича бўлим (қонуний ишга жойлашиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш:

Красный Текстильщик к, 15-уй, 8 (812) 318-06-26

Хорижий муҳоҷирлик назоратини ташкиллаштириш бўйича бўлим (муҳоҷирлик қонунчилигига риоя қилиш назорати):

Фонтанка дарёси соҳили, 78-уй; 8 (812) 314-61-91.

**Хизматлар кўрсатиш кўпвазифали марказлари (МФЦ)**

МФЦ нинг ягона ахборот хизмати: 8 (812) 573-90-00

МФЦнинг Санкт-Петербургдаги рўйхати: <https://gu.spb.ru/mfc/>

**Санкт-Петербургниг ижтимоий сиёсат бўйича қўмитаси** (ижтимоий қўллов кўрсатиш)

190000, Антоненко торкўчаси, 6-уй, тел. 8 (812) 576-24-61, сайт: ksp@gov.spb.ru

**Санкт-Петербургда иш излаш ва чет эллик фуқароларга кўмак кўрсатиш**

**Меҳнат ресурслари маркази** Тел. 8 (812) 758-36-34, сайт: gautcr.ru

меҳнат муҳоҷирлиги масалалари бўйича тезкор тармоқ: 8-800-333-70-97

**Аҳоли бандлиги маркази.** Тел. 8 (812) 571-00-41, сайт: r21.spb.ru

**Чет эллик фуқароларни ҳуқуқий қўллаш:**

**Санкт-Петербургдаги Давлат меҳнат инспекцияси (меҳнат ҳуқуқлари бузилганда)**

198095, Санкт-Петербург ш, Зоя Космодемьянская к, 28-а-уй.

Тел. 8 (812) 746-59-86, 8 (812) 374-31-97, сайт: git78.rostrud.ru

**Санкт-Петербург прокуратураси** (чет эллик фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, расмий шахсларнинг ноқонуний қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят этиш)

190000, Санкт-Петербург, Почтамт к, 2/9-уй.

Тел. 8 (812) 318-26-34, [procppb.ru/reception](http://procppb.ru/reception) – интернет-муурожаатлар учун

**Санкт-Петербургдаги инсон ҳуқуқлари бўйича вакил** (чет эл фуқаролари ҳуқуқларига риоя қилишни давлат мақомотлари ходимлари томонидан назорат этиш)

Щербаков торкўчаси., 1/3-уй, тел. 8 (812) 764-00-54

[ombudsmanspb.ru/ru/request](http://ombudsmanspb.ru/ru/request) – интернет-муурожаатлар учун

**Санкт-Петербургниг жамоатчилик ташкилотлари**

**БФ «ПСП-фонд** (муҳоҷирларга текин ҳуқуқий хизмат кўрсатиш)

Муурожаатлар учун телефон: +7 (812) 337-57-85, +7 (921) 598-17-90.

Сайт: [psp-f.org](http://psp-f.org), [migrussia.ru](http://migrussia.ru).

**Қизил Хочнинг ахборот-маслаҳат маркази** (чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўл-маган кишиларга маслаҳат бериш)

Красный Текстильщик к, 15-уй (қабул даричаси)

тезкор тармоқ телефони: 8 (800) 333-00-16, сайт: [spbredcross.org](http://spbredcross.org).

**«Ориентир»** - ватандошларни ихтиёрий кўчишни қўллаб-қувватлаш жағфармаси

Санкт-Петербург, Римский-Корсаков к, 39-уй (ҳовлида)

Тел. 8 (911) 253-85-01, 8 (812) 385-69-89, сайт: [fondorientir.ru](http://fondorientir.ru)

**Меҳнат муҳоҷирлари болаларига рус тилини ўрганиш, мактабга жойла-шишда ёрдам бериш**

Тел. 8 911 773-77-87, сайт: [detipeterburga.ru](http://detipeterburga.ru)

Буклет «Добро пожаловать в Санкт-Петербург!

Полезная информация для трудовых мигрантов» (на узбекском языке)

Санкт-Петербургдаги халқаро муносабатлар ва муҳоҷирлик сиёсатини амалга ошириш қўмитаси буюртмасига кўра тайёрланган,  
2019-йил



Комитет по межнациональным отношениям и реализации миграционной политики в Санкт-Петербурге

## Санкт-Петербургда хуш келибсиз!



Меҳнат муҳоҷирлари  
учун фойдали ахборот

2019